

**Г. В. Плеханов номидаги Россия**

**иқтисодиёт университетининг**

**Тошкент филиали директори**

**Академик Қ. Х. АБДУРАҲМОНОВга**

## **ТАБРИКНОМА**

**Қадрли Қаландар Ходжаевич!**

Сизни ва Сиз орқали жамоангиз аъзоларини университет филиали ташкил этилганига 20 йил тўлиши муносабати билан қизгин муборакбод этамиз. Ҳаммамизга маълумки, Г. В. Плеханов номидаги Россия иқтисодиёти университети дунёдаги нуфузли олий таълим муассасаларидан саналади ва дунё иқтисодиётига катта ҳисса қўшадиган кадрлар тайёрлашда ҳам университет обру эътибори ошиб бормоқда.

Университетнинг Тошкент филиали ташкил этилиши эса мамлакатимиз иқтисодиёти ва рақнақига баракали ҳисса қўшадиган мукамал билим ва салоҳиятга эга кадрлар тайёрлашда муҳим аҳамият касб этди. Шунинчун мамнуният билан эътироф этамизки, мазкур олий таълим муассасасида бир қатор қашқадарёлик ўғил-қизлар ҳам таҳсил олиб, вилоят иқтисодиёти ривожига катта ҳисса қўшадиган кадрлар бўлиб етишишмоқда. Келгусида бу олий таълим муассасасининг мамлакатимиз иқтисодиётида тутган ўрни ва эътибори янада юксалаверади. Чунки бу ерда энг тажрибали, мукамал малака ва кўникмага эга профессор ўқитувчилар ва иқтидорли ёшлар меҳнат қилишмоқда.

Яна бир бор университет филиали ташкил этилганининг 20 йиллиги билан қашқадарёлик ўқитувчи ва устозлар номидан қизгин табриклаймиз. Жамоангизга бу шодиёналар муборак бўлсин!

**Хурмат ва эҳтиром билан:**

**Зафар ҚОБИЛОВ,**



**Қашқадарё вилоят ҳокимлиги ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси бошлиғи.**